



Мутулаа қилинг / Карантин қоидаларига риоя этинг!

Кун мати

Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!

Ishonch

2020 йил 25 июнь • пайшанба • № 69 (4354)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz



КУН НАФАСИ



Олам аҳли, билингизким,
иш эмас душманлиғ,
Ёр ўлинг бир-бирингизга-
ким, эрур ёрлиғ иш.
Алишер Навоий

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БУЮК ҒАЛАБАНИНГ 75 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАДА ИШТИРОК ЭТДИ

Маълумки, бу йил Россия Федерацияси пойтахти Москва шаҳрида Буюк Ғалабанинг 75 йиллигига бағишланган тантанали тадбир 9 май куни ўтказилиши режалаштирилган эди. Аммо коронавирус пандемияси сабабли у кейинги мuddатларга сурилди. 1945 йилда Буюк Ғалабанинг биринчи марказий паради 24 июнь санасида ўтказилгани боис, жорий йил ҳам бундай тантана учун айнан шу кун танланди.

Тарихан муҳим мазкур воқеани биргаликда нишонлаш мақсадида Россия ҳукумати музаффар мамлакатлар раҳбарияти номига таклифномалар юборди. Ўзбекистон ҳам, албатта, ўша ғолиб давлатлар қаторида. Халқимиз ўша машҳур урушда ғалаба учун ҳеч муболағасиз, улкан ҳисса қўшган.

Масалан, сўнгги пайтларда олиб борилган тадқиқотлар натижасида юртимиздан 2 миллионга яқин киши урушга сафарбар этилгани аниқланди. Фронт ортида ҳам ўзбекистонликлар кўрсатган матонат келажак авлодларга чексиз ғурур ва ифтихор бағишлайди.

Шу боис мамлакатимиз вакиллари Ғалабанинг 75 йиллик шонли санаси муносабати билан Москва шаҳрида ўтказиладиган тантананага таклиф этилди.

Таъкидлаш жоиз, пандемия бутун дунёга ўз таъсирини кўрсата-

ётган ҳозирги мураккаб шароитда давлатимиз раҳбарининг бундай тадбирда иштирок этишининг ўзи аждодларга хос қаҳрамонлик ифодасидир.

Ҳарбийларимиз ҳам мазкур тадбирда юртимиз истиқлолга эришганидан кейин биринчи бор иштирок этди. Зеро, давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев 23 июнь куни Россия Президенти Владимир Путин билан Кремлда бўлиб ўтган учрашувида таъкидлаганидек, бу бизнинг умумий тарихимиз, умумий ғалабамиздир. Халқларимиз намойиш этган жасорат барчамиз учун чексиз ғурур манбаи бўлиб хизмат қилади.

Президентимиз Москвада Қизил майдонда бўлиб ўтган тантанали тадбирда ўз иштироки билан Ўзбекистон элининг шонли ғалабага эришишдаги умумэтироф этилган буюк хизматидаги ҳурмат бажо келтирди.

Шу билан бир қаторда, мард ва

жасур халқимизнинг шафқатсиз уруш сабаб чеккан мислсиз азияти, азоб-уқубатлари яна бир бор халқаро майдонда ёдга олинди.

Бўлиб ўтган парадда Ўзбекистон Қуролли Кучлари вакиллари ҳам улуғ аждодларга муносиб тарзда иштирок этди. Умумий ҳисобда тантананда 13 давлатдан 225 та ҳарбий техника, 14 минг аскар ва офицер қатнашди. Россия пойтахти осмонидан 55 самолёт ва 20 та вертолётнинг учиб ўтиши байрамга ўзгача руҳ бағишлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Россия Федерациясига амалий ташрифи давомида Москва шаҳрининг Александр боғидаги «Номаълум аскар» ёдгорлигига гул қўйди.

Умумбашарий аҳамиятга эга ушбу мажмуа Иккинчи жаҳон уруши ўчоқларида Ватан ҳимояси йўлида мардларча ҳалок бўлган турли миллатга мансуб миллионлаб аскарлар, жумладан, ўзбек ўғлонларининг ҳам унутилмас хотираси учун бунёд этилган. «Исминг номаълум, жасоратинг барҳаёт» ёзуви битилган мазкур ёдгорлик аждодлар кўрсатган қаҳрамонлиги ва жасоратининг рамзий ифодасидир.

Иккинчи жаҳон уруши Ўзбекистон сарҳадларидан олисда кечган бўлса-да, унинг аянчли таъсири, изтироблари ҳеч бир ўзбек хонадонини четлаб ўтган эмас. Халқимиз фашизм устидан эришилган ғалабага буюк ҳисса қўшган. Республикамиздан 1 миллион 951 мингга яқин киши урушга сафарбар этилиб, 200 мингдан зиёд аскар ва офицерларимиз жанговар давлат мукофотлари билан тақдирланган. Уруш ўчоғига айланган ўлкалардан юртимизга 1 миллион 500 минг киши, жумладан, 250 мингдан зиёд бола эвакуация қилинган. Саховатли ва танги элимиз уларга ўз уйдан жой бериб, сўнгги бурда нонини ҳам баҳам кўрган.

Президент Шавкат Мирзиёев инсоният тинчлиги учун жон фидо қилган ватанпарвар инсонларнинг хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

1966-1967 йилларда барпо этилган мазкур мажмуада абадий олов алангаланиб туради. Унга Россия Федерациясининг маданий мероси объекти мақоми берилган.

Шавкат Мирзиёев шу куни Ўзбекистоннинг Москва шаҳридаги элчихонаси яқинида жойлашган Ислам Каримов хиёбонида ҳам ташриф буюрди.

Президентимиз буюк давлат ва сиёсат арбоби, ўзбек халқининг улуғ ва ардоқли фарзанди, мамлакатимизнинг кўп асрлик тарихида ўчмас из қолдирди. Нафақат Ўзбекистон, балки жаҳон миқёсида катта ҳурмат ва обрў-эътиборга сазовор бўлган улуғ шахс ва арбоб хотирасига эҳтиром рамзи сифатида 2018 йил 18 октябрь куни Москва шаҳрида ҳайкал ўрнатилган.

Ислам Каримов ўзининг серқирра сиёсий фаолияти, олижаноб инсоний фазилатлари билан Ватанимизнинг кўп асрлик тарихида ўчмас из қолдирди. Нафақат Ўзбекистон, балки жаҳон миқёсида катта ҳурмат ва обрў-эътиборга сазовор бўлган улуғ шахс ва арбоб хотирасига эҳтиром рамзи сифатида 2018 йил 18 октябрь куни Москва шаҳрида ҳайкал ўрнатилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ислам Каримов хиёбонида ташрифи чоғида бу ерга йиғилган ватандошларимизни кутлади.

Шу билан Россия Федерациясига амалий ташриф дастурида кўзда тутилган тадбирлар якунланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Россияга амалий ташрифини якунлаб, Тошкентга қайтиб келди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Афғонистон бўйича махсус вакили **Исматулла Иргашев** Буюк Британиянинг Афғонистон бўйича Махсус вакили **Гарет Бейли** билан **видео-конференцалоқа** шаклида музокара-лар ўтказди. ***



Гулистон шаҳрига ташриф буюрган **Осиё Тараққиёт Банки (ОТБ)** делегацияси аъзолари билан **Сирдарё вилояти ҳокимлигида** учрашув бўлиб ўтди. ***



Бош прокуратурада Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари мувофиқлаштирувчи кенгаши йиғилиши бўлиб ўтди. ***



Сирдарёликлар галла ҳосили режасини бажарди. Сирдарё вилоятининг дон сотиш шартномавий режаси 177,8 минг тоннани ташкил этиб, амалда 100,2 фоизга уудаланди. ***



Инновацион ривожланиш вазири **Иброҳим Абдурахмонов** Наманган муҳандислик-технология институтида олимлар, педагог кадрлар, ёш тадқиқотчилар билан учрашди. ***

Ўзбекистон Марказий банки эсдалик тангаларининг жорий йил 24 июндан амалда бўладиган нархларини белгилади. Унга кўра: 1 та олтин танга нархи – 18 400 000 сўм этиб белгиланди. 1 та кумуш танга нархи эса – 362 000 сўмни ташкил этган этмоқда. ***

Бухоро вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи **Карим Камолов** олотлик ёшлар билан учрашди. ***

ЎЗА хабарлари асосида тайёрланди

Видеоконференция

Кун тартибида долзарб масалалар



И.Хасанов олган сурат

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясида муҳим масалалар муҳока-масига бағишланган видео-конференция бўлиб ўтди. Унда тармоқ касаба уюшмалари Республика кенгашлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмалари, «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» АЖ ходимлари, Федерация тасарруфидаги ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди.


» 2

Тошкент шаҳри


Таҳлил

Мутасаддилар фақат томошабинми?

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясида хотин-қизлар муаммоларини ўрганиш бўйича ташкил этилган, тун-у кун фаолият кўрсатадиган 12 11 қисқа рақамли «Ишонч телефони»га Тошкент шаҳридан келиб тушган мурожаатларнинг ижроси юзасидан таҳлилий натижалардан киши чуқур ўйга толади.



24 июнь куни мамлакатимизда **239 кишида** коронавирус қайд этилди. Шундан **207 нафари** карантин муассасаларидаги фуқаролар, **31 нафари** аҳоли орасида, қолган **1 нафари** эса халқаро юк ташувчи машина ҳайдовчилари орасида аниқланган. Кун давомида **125 нафар** бемор соғайди.



Бугун матбуотда ўқинг...



Баҳодир КИМНИНГ ЭРКАСИ

ёхуд ҳоким ва прокурор номини сотишдан қандай наф бор?



Мақсад аниқ, вазифалар тайин, бироқ нега фаоллик сезилмаяпти?



«БУ – РОМАНТИКА ЭМАС, СЎНГГИ ИМКОНЯТ!»

Таниқли журналист, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Жамоатчилик кенгаши раиси **Карим Баҳриев** билан суҳбат

<https://t.me/koronavirusinfouz>

Мутасаддилар фақат томошабинми?

Мурожаатлар сони шу кунгача 3 442 тани ташкил қилмоқда. Улар ижросини текшириш мақсадида хонадонларга борилганда, деярли барча ҳолатда аҳвол қониқарли эмаслиги аён бўлди. Мурожаатларнинг ижросини-ку, гапирмаса ҳам бўлади. Маҳалла масъулларида одамлар дардига малҳам бўлиш, улардан доимий хабар олиш, масалаларига ечим топиш каби инсоний фазилатлар бегона кўринади. Хотин-қизлар мана шундай муаммолар ичида қолиб, «Ишонч телефони»дан мадад кутишмоқда. Тўқилаётган кўз ёшлар, айтилаётган танқидий фикрлар, ҳаётдан баҳра олиб яшашга қўймаётган айрим муаммолар қаршисида баъзи бир раҳбарлар, маҳалла раислари томошабин бўлиб, ўзларини оқлашдан нарига ўтишмаяпти. Далиллар, мурожаатлар асосидаги ўрганишлар дилингизни хуфтон қилиши табиий.

Гулчехра Сабурова Тошкент шаҳри, Яшнобод туманидаги «Хосиятли» МФЙ Авиасозлар кўчасидаги ётоқхонада истиқомат қилади. У онкологик касаллиги туфайли тиббий муолажага муҳтожлиги, оилавий шароити сабаб бепул хизмат кўрсатилиши ва зарур дори-дармонларни олишда кўмак сўраган. Уч марта Соғлиқни сақлаш вазирлигига ижро учун жўнатилган бўлса-да, шифокорлар томонидан ҳеч қандай амалий ёрдам берилмаган. Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармаси ходимлари ҳам

лифт масаласи. Онамни кўчага олиб чиқмаганимга икки йил бўлди. Ҳеч қанақа умид қолмади. Онам йўқлиб тушганидан буён жойда қолган. Мен онамга қарайманми ёки ишлайманми?! Боқувчимиз йўқ. Кимга бориб дардимизни айтмиз?

— Онамнинг 600 минг сўм пенсия пулига қаноат қилиб яшаймиз, — дейди ушбу маҳаллада яшовчи бир аёл. — Болам учун икки ёшгача бола пули ҳам беришмади. Неча марта сўрадим. Бормаган жойим қолмади.

Маҳаллада истиқомат қилувчилар маҳалла раисининг фаолиятдан норози эканини билдиришди. Унга эса бу танқидий фикрлар ҳеч ҳам таъсир қилмади. Раис фақат ўзини оқлашдан нарига ўтмади.



ҳозирда Тошкент вилоятида қариндошлари назоратида даволанаётган Раъно Иномова ёлғиз аёл. Уч марта жарроҳлик амалиётини бошидан ўтказган. Бош қисмида ўсиб чиқаётган ўсма уни қийнаб келмоқда. Тўғрироғи, ҳаёти ва соғлиғи хавф остида. Зудлик билан даво чоралари кўрилиши керак, аммо маблағ йўқ. У ўз мурожаатида моддий ёрдам сўраган.

— Озиқ-овқат бўйича ёрдам берамиз, дейишганида, менга операция учун моддий ёрдам беришларини сўрадим. Россияга бориб даволанишим учун катта маблағ керак. Шунинг учун илтимос қилаяман, — дея кўзига ёш олди Раъно Иномова.

Фотима Ниғмонбекова Шайхонтоҳур тумани «Катта Оқтепа» маҳалласида яшайди. У ўз мурожаатида айни пайтда тўрт сотих ҳовлида бешта оила — 24 киши истиқомат қилаётгани, оилавий шароити жуда оғир эканини баён этиб, уй-жой ажратиб берилишида амалий кўмак сўраган. Мурожаат асосида хонадонга бориб ўрганилганда, у ердаги аҳвол динли хира қиладиган даражада экани аён бўлди. Мурожаат ечими бўйича бирон-бир мутасадди шўғулланмаган. Хонадон эгалари, аёлларнинг эса дардини эшитадиган, уларга амалий ёрдам берадиган марднинг ўзи йўқ.

— Мурожаат қилганимга бир ойдан ошди, — дейди Фотима Ниғмонбекова. — Хат келди. У сабр қилиб туринглр, келамиз, деган мазмунда эди. Галстук таққанлар келди, расмга олди, кетди. Шу билан жимжитлик...

— Маҳалладан эса садо чиқаётгани ҳам йўқ, — дея гапга қўшимча қилади Тоҳира Ниғмонбекова. — Солиқларга, коммунал тўловларни тўлашга қийналяпмиз. Мана, карантин бошланганидан буён тўлай олганимиз йўқ.

Шу ўринда савол туғилади: бу каби ҳолатларга мутасаддилар этибор қаратмаса, фуқаролар дардини кимга айтсиз? Пойтахтда шундай ҳолатлар бор экан, ҳудудлардан нимани кутиш мумкин?

Аёллар томонидан йўлланган мурожаатларнинг ижро мuddати келса-да, ижроси таъминланмаган ёки кечиктирилган ҳолатларнинг ташкилот ва идоралар кесимидаги ошқор таҳлили бу масалага жойларда юзаси ёндашув, инсон тақдирига бефарқлик, баъзи бир масъулларнинг масъулиятсизлигини ошқор этиб қўймоқда. Бу борада бир неча бор танқидий мулоҳазалар, фикрлар билдирилган бўлса-да, мурожаатлар ечимиде ижобий натижалар кўзга ташлангани йўқ.

Ҳар бир мурожаат ортида инсон тақдири бор. Наҳотки, мутасаддилар буни унуттишаётган бўлса...

Аъзамжон АБУЛҒАЙЗОВ, «ISHONCH»



мурожаатларга юзаки қараб келишмоқда.

— Анча йиллардан бери иккинчи гуруҳ ногирониман, — дейди Гулчехра Сабурова. — Яқинда операциядан чиқдим, кимёвий муолажалар жуда қиммат. Моддий томонлама қийнаиб қолганим учун ёрдам сўраб, мурожаат қилдим. Шу пайтга қадар ўз ҳисобимдан, бор бисотимни сотиб, киртишлаб, қарз-ҳавола қилиб даволаниб келяпман. Мурожаатларимдан кейин ҳам менга расмий мулозаматлардан бошқа ҳеч нарса дейишмади. Фақат арзон хизматлар ва дориларни таклиф қилишди, уларнинг айримларининг таркиби тўғри келмайди. Дори-дармон учун олган қарзларим 10 миллиондан ошиб кетди. Кимга бораёйлик, қаердан наҳот кутайлик?

Урганишлар давомида ушбу маҳаллада яшовчи аёллар ҳам муаммоларни ҳал қилишда маҳалла этиборлиси экани, ҳеч қандай кўмак бермаётганини айтишди.

— Моддий тарафлама ҳам, маънавий тарафлама ҳам ҳеч қандай ёрдам беришмайди, — дейди шу маҳаллада яшовчи аёллардан бири. — Биттаси —



Шайхонтоҳур туманида истиқомат қилувчи Маъмура Акмалованинг ҳам шифокорларга айтадиган гаплари кўп. Утказилган тиббий муолажадан умуман норози. Онкологик касаллиги туфайли Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология ил-

римни ўзим олдим. Марказ ходимлари эса бир марта ҳам хабар олишмади. Маҳалла раиси умуман йўқ, десам ҳам бўлади. Унинг менга қилган муомаласини кўриб, сўраганимдан уялиб кетдим.

Шу туманда рўйхатда турса-да,

ушумаси Республика кенгаши раиси Анвар Абдумухторовнинг таъкидлашича, «Ишонч телефони»га қилинаётган мурожаатларнинг барчаси ўрганилиб, тегишлилиги бўйича мутасадди ташкилотларга юборилмоқда ва ҳар бир мурожаатнинг ижроси қатъий назоратга олинмоқда.

Видеоконференция давомида ҳудудий касабга уюшмаларининг масъул

Кун тартибиде долзарб масалалар

олиш оромгоҳларига болаларни жалб этиш, санатор-курортлар фаолиятини тиклаш ва йўлланма бериш, «Хотин-қизлар муаммолари бўйича «1211 Ишонч телефони»га келиб тушаётган мурожаатлар, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш каби масалалар муҳокама қилинди.

Йиғилиш давомида санатор-курортлардаги вазият юзасидан Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерацияси кенгаши тасарруфидеги санатор-курортлар бошқармаси бошлиғи Анвар Аҳмедов, оромгоҳлар бўйича Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерацияси кенгаши Маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудири Шўҳрат Деҳқоновнинг ахбороти тингланди. Ютуқ ва камчиликлар таҳлил қилинди.

Хабарингиз бор, жорий йилнинг март ойиде Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерацияси ҳузуриде «Хотин-қизлар муаммолари бўйича 1211 «Ишонч телефони» ишга тушди. Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касабга

мутасаддиларига керакли кўрсатмалар берилди. Хусусан, ҳисобот сайловларини пандемия қоидаларига қатъий амал қилган ҳолде ташкил этиш, дам олиш масканлари ва фаолияти тикланаётган санатор-курортларде ҳордиқ чиқарувчилар учун барча зарур чораларни кўриш, ҳар бир оромгоҳ, санаторийлардеги санитария-эпидемиологик ҳолатни қатъий назоратде олиш каби вазифалар юклатилди. Айниқса, Сардоба фалокати туфайли жабр кўрган аҳолини санатор-курортларде кенг жалб қилиш, «30 июнь — Ёшлар куни» байрамини кўнгилдагидек ташкил қилиш масалаларига алоҳиде тўхталилди.

Касабга уюшмаларининг олдеда турган бошқа долзарб масалалар ҳам муҳокама қилиниб, барча ишларде ишчи-ҳодимларнинг манфаати устувор йўналиш бўлиб қолиши қайд этилди.

Ғулумжон МИРАҲМЕДОВ, «ISHONCH»



Хоразм вилояти

Жамоатчилик назорати

Карантин тугаши ўзимизга боғлиқ

Аҳолига қўлайлик яратиш мақсадида вазиятга қараб карантин қоидалари юмшатилмоқда. Хусусан, қатор ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари фаолияти қайта тиклангани тадбиркор учун ҳам, аҳоли учун ҳам айни муддао бўлди. Бироқ, бу бораде маълум қоидалар жорий қилинганни ҳамма ҳам тушуниб етмайпти, шекилди. Карантин қоидаларига риоя қилиниши устидан жамоатчилик назоратини олиб бораётган Хоразм вилояти касабга уюшма ташкилотлари бирлашмаси ишчи гуруҳи ана шундай лоқайдлик ва беписандликларга тез-тез дуч келмоқда.

Ишчи гуруҳ аъзолари шу кунга қадар 6483 нафар ходим фаолият кўрсатувчи 277 та корхона ва ташкилотде карантин қоидаларига риоя қилиниши устидан жамоатчилик назорати ўтказди. Ўрганишларде 106 та корхона, ташкилотде ишловчиларни ишга ва ишдан уйига етказиб қўйиш учун махсус транспорт воситалари ажратилгани, транспорт воситаларини дезинфекциялаш ишлари йўлга қўйилгани, 42 та ташкилотде 708 нафар ходим ётоқ жойлари билан таъминлангани аниқланди.

Аммо ўрганишлар жараёниде айрим ташкилотларде ниқоб ва резина қўлқоплар захираси ҳамда антисептиклар мавжуд бўлмаган ҳолатларга, озиқ-овқат савдоси ва хизмат кўрсатиш шохобчалариде фуқароларнинг белгиланган 2 метрлик масофани сақламаслигига кўп дуч келинди, — дейди Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерацияси Меҳнат инспекциясининг Хоразм вилояти бўйича меҳнат ҳуқуқ инспектори Музаффар Отабоев. — Камчиликларни жойиде ҳал қилишга ҳаракат қилаяпмиз. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида жойларде тарғибот-ташвиқот ишлари ўтказаяпмиз. Хусусан, 15 та ишлаб чиқариш ва 84 та курилиш ташкилотиде ишловчилар меъёр талаблари бўйича махсус кийим-бош, махсус пойабзал ва шахсий ҳимоя воситалари билан тўлиқ таъминланмаган. Жумладан, «Сирож курилиш сервис», «Хоразм саноат курилиш», «Гурлан фишт», «Боёт фишт», «Хонқа шарқ», «Урганч курилиш бетон», «Темир бетон», «Хоразм курилиш транс» корхоналари раҳбарларининг ходимлар соғлиғига бепарволиги кўзга ташланмоқда. «Муборак Саломат», «Ферузбек Мухлис», «Голд

жаҳон курилиш», «Гурлан парвоз», «289-сон ХКМК» каби курилиш корхоналариде эса дезинфекция йўлаги ташкил қилинмаган.

— Ўтган ҳафтаде 146 нафар ишчи фаолият кўрсатаётган 7 та курилиш ташкилотиде мониторинг олиб бордик, — дейди Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерацияси Меҳнат инспекциясининг Хоразм вилояти бўйича меҳнат техника инспектори Марат Ишметов. — Уларнинг ҳеч бириде ишловчилар меъёрлар бўйича махсус кийим, махсус пойабзал ҳамда шахсий ҳимоя воситалари билан тўлиқ таъминланмаган. 87 нафар ходим ишловчи 19 та савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалариде эса масофавий белгилар, кириш қисмлариде дезинфекция эритма билан намланиш тўшамалар қўйилмагани сабабли уларга огоҳлантиришлар берилди.

Ишчи гуруҳ аъзолари жамоат назоратини олиб борган курилиш корхоналаридан бири «Ҳамкор газ-нефт курилиш» МЧЖ Хива шаҳридаги 13-сон МТМде қайта таъмирлаш ишларини амалга оширмоқда. Ушбу корхонада ҳам карантин қоидаларига риоя қилинмаяпти. На дезинфекция йўлаги ташкил қилинган, на келган фуқароларнинг тана ҳарорати ўлчаниб, тегишли журналга қайд қилинмаяпти. Ишчилар учун махсус кийим ҳам берилмаган, ювиниш учун шароит йўқ.

Англашиладики, ҳар кун неча бора такрорланишига қарамасдан, карантин меъёрларини писанд қилмаётганлар кам эмас. Бу нописандлик карантин мuddатининг анаде чўзилишига сабаб бўлишига шароит яратилиши барчамиз англаб етишимиз даркор.

Мухаббат Тўрабоева, «ISHONCH»



Қашқадарё вилояти

Хайрли ташаббус

Қарши муҳандислик иқтисодий институтиде касабга уюшма кўмитаси ташаббуси билан «Менинг юртим — менинг фахрим!», «Step by step» видеороликлар танлови, «Китобхон талаба» каби танловлар ўтказилиб, ғолиблар мукофотланди.

Айни пайтда «Биз нечун севаимиз Ўзбекистонни» ҳикоялар танлови, профессор-ўқитув-

чилар ва гуруҳ мураббийлари ўртасиде «Энг яхши методик қўлланма» кўрик-танловлари қизғин давом этаётир. Бундан ташқари, «Ёшлар ойлиғи» доирасиде ташкил этилган «Менинг фикрим» мавзусидеги онлайн конференцияде ёшлар таълим, спорт, маданият, китобхонлик ва тадбиркорликни ривожлантириш бўйича ўзаро фикр-мулоҳаза алмашди.

Институт ходимлари ва талабалари касабга уюшма кўмитаси 60 ёшдан ошган фахрий педагоглар ҳолидан хабар олиб, 90 нафар ёши улуг ходимга моддий ёрдам кўрсатишди.

Файзиддин ТИЛОВАТОВ, Қарши муҳандислик иқтисодий институти ходимлари ва талабалари касабга уюшма кўмитаси раиси

Бошланғич ташкилотларде



Касб касалликлари: соҳа ислоҳотларга муҳтож

Мушоҳада

56 ёшни қаршилаётган Эркин Қурбонов 20 ёшида Наманган шаҳридаги «Электртерм» (ҳозирда фаолияти тугатилган) заводига кимёвий кислоталар билан ишловчи мутахассис бўлиб ишга кирди. У бу вазифада 22 йил ишлади, аммо саломатлигидаги жиддий ўзгариш – нафас олишнинг қийинлашиши тўғрисида 42 ёшида ишдан бўшашга мажбур бўлди.

– Аввалига кимёвий моддалардан узоқлашсам, саломатлигим тикланиб кетса керак, деб ўйлагандим, – дейди Э. Қурбонов. – Аммо ўзгариш бўлмади, аҳолиим борган сари оғирлашди. Тишларим, сочларим, қошларим тўкилиб кетди, иштахам йўқолди. Вазним 45 килограммга тушиб қолди. Йўтал тинимсиз хуруж қиларди. Икки йил Наманган шаҳридаги тиббиёт муассасаларида даволаниб юрдим. Аммо саломатлигим тикланмади. Бир кун Тошкентда яшайдиган шифокор олам «Сен касб касалликларини клиникасига боришинг керак...» деб, кўярда-қўймай ўзи билан олиб кетди. У ерда махсус текширувлардан ўтказишди. Қоним кимёвий моддалар билан заҳарлангани, нафас қисилиши, соч ва тишларим тўкилишига ҳам ана шу зарарли сабаб бўлганини айтишди. Бирга ишлаган ҳамкасбим ҳам худди мен каби хасталанган эди. Афсуски, у клиникага келишга улгурмай, оламдан ўтди. Бу менга қаттиқ таъсир қилди, саломатлигимни тиклаш учун астойдил ҳаракатда бўлдим. Умид қилганимдек, ушбу клиникада шифо топа бошладим. Ҳар йили бир ёки икки марта шу масканда бепул даволанаман.

Фарғоналик Зайнобиддин Усмонов йўл қурилиши соҳасида 33 йил меҳнат қилган. У нитрит, чанг, солярка ва газолин каби зарарли кимёвий моддалар билан ишлагач, юрак, ўпка ва жигар етишмовчилиги билан бирга, сурункали бронхитни орттирган. Клиникада

ҳар йили икки марта даволанишига қарамасдан, куз фаслидан то апрелнинг ўртасигача йўтал хуружидан қийналади. 3. Усмоновга ишонхонаси 1 200 000 сўм миқдорда компенсация тўлайди, давлат томонидан 1 658 000 сўм пенсия берилади. Аммо Зайнобиддин ака 33 йиллик меҳнати эвазига аянчи касалликлар исканжасида қолди.

– Фаолиятим натижасида шундай дардни орттириб олдим, – дейди З. Усмонов. – Ишонхонада ҳеч ким касаллик ҳақида огоҳлантормаган. Касб касалликларини шифохонаси ҳақида тасодифан билиб қолдим. Агар шу ерда даволанмаганимда...

Сўхбатдошларимизнинг оғир ҳўрсини зарарли меҳнат натижасида орттирилган касалликларни ўз вақтида аниқлаш тизимида муаммолар борлигини кўрсатади. Бу ерда даволанаётганларнинг кўпчилиги ушбу масканга тасодифан, кимдандир эшитиб келишган. Билмасдан, тўғри даволанмасдан вақт ўтказиб юрганлар қанча экан?..

Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек туманида жойлашган Санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий-тадқиқот институти мамлакатимизда ягона бўлиб, у 60 ўринга мўлжалланган. Аммо муассасада даволанишга талаб юқори. Куз ва киш фаслида бу ерга келувчилар сони 100 нафардан ҳам ошиб кетади.

– Анчадан буён шароит ҳаминқадар бўлгани боис, давлат томонидан янги бино қурилиши режалаштири-

лаётганди. Ниҳоят, бу йил ушбу хайрли лойиҳа бошланди, – дейди Санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий-тадқиқот институти лаборатория мудир, Соғлиқни сақлаш вазирлиги бош профпатолог мутахассиси, тиббиёт фанлари доктори Муқаддас Ҳамроқуллова. – Янги лойиҳага асосан клиника, институтнинг илмий лабораториялари, диспансер бўлими ва тиббий олий ўқув юрларининг клиник базалари учун ўқув бўлимлари қурилади. Келгусида замонавий клиника касб касалликлари ташхиси билан диспансер назоратида

лилик бўйича экспертиза хулосалари «касб касаллиги» мутахассисига эга бўлмаган шифокорлар томонидан берилмоқда. Бундан ташқари, тиббий кўриклардан кейин касалликларни диспансер гуруҳларига ажратишда ходимларнинг умумий касаллиги билан касб касаллиги ажратиб берилмапти. Оқибатда, аллақачон соғломлаштириш ва реабилитацияга муҳтожлар ўз вақтида муассасага келолмапти.

Муқаддас Ҳамроқуллованинг айтишича, касалликни вақти аниқлаш ва даволаш қамровини ошириш учун соҳага оид норматив-ҳуқуқий ҳуж-



турган беморларнинг даволаниши ва диагностикаси учун барча қулайлик ва зарур тиббий жиҳозларга эга бўлади. Афсуски, вилоятлар ва туманларда касб касаллиги хизматининг йўқлиги ёки номигагина мавжудлиги даврий тиббий кўриклар сифати ва қўламининг пасайишига, назоратнинг сусайишига сабаб бўлмоқда. Касалликларга ўз вақтида ва аниқ ташхис қўйилмапти. Натижада, касб касаллигига чалинганлар дастлабки энгил босқичда эмас, балки ўртача оғир ва оғир ҳолатда клиникамизга йўлланимоқда.

Шу ўринда айрим маълумотларга ҳам тўхталиб ўтсак. Ҳар бир соҳада янги замонавий технологияларнинг жатлар ҳам ислоҳотга, янгиланишга муҳтож. Масалан, Тошкент тиббиёт академиясида касб касаллиги мутахассислиги (профпатолог) бўйича кадрлар тайёрланаётган бўлса-да, вилоятлар ҳамда туманлардаги даволаш профилактика муассасаларида касб касаллиги бўйича штатлар йўқ. Жойларда ўтказилаётган тиббий кўриклар кўпинча мутахассис бўлмаган шифокорлар ёки бу вазифани бажаришга лицензияси бўлмаган хусусий муассасалар томонидан ўтказилмоқда.



жорий этилиши касб касалликларининг сони ва турига ҳам таъсир этади. Масалан, илгари нашриётларда китоб, газета, журнал чоп этишда кўрғошдан фойдаланилган ва бу соғлиқ учун зарарли бўлган. Эндиликда барча нашриётлар компютерлашди, кўрғошдан умуман воз кечилди. Сўнгги йилларда таянч-ҳаракат тизими, тери, биологик омиллар таъсиридаги касб касалликлари кескин камайган бўлса-да, нафас органлари билан боғлиқ касалликлар кўпайиши кузатилди. Бунга жойларда меҳнат муҳофазасига риоя қилмаслик, химоя воситаларидан унумли ва тўғри фойдаланмаслик ва юқорида таъкидланганидек, тиббий кўриклар мутахассислар томонидан ўтказилмаётгани сабаб бўлмоқда.

Илгари қишлоқ ҳўжалигида кимёвий воситалар билан зараркундаларга қарши курашувчи ходимлар орасида касб касаллиги кўп учрарди. Ҳозирда бу йўналишда мурожаатлар кузатилмапти.

Янги соҳалардаги ноҳуш таъсирлар ҳали тўлиқ ўрганилгани йўқ, Бугун жамиятимизда кун бўйи компьютерда ўтириб ишлайдиганлар сони кескин ортади. Баъзан бунда кўриш қобилиятининг пасайиши, остеохондроз каби касалликлар пайдо бўлиши мумкин. Ҳўш, бу каби касалликлар ҳам касб касалликлари рўйхатига киритилдими?

Мутахассисларнинг фикрича, уларнинг рўйхатга киритилиши кутилмапти.

Қолаверса, касб касалликларининг олдини олиш учун зарарли таъсири бор корхоналардаги иш ўринларини шаҳодатлаш, даврий тиббий кўрикларнинг шаффоф ва холис бўлишини таъминлаш лозим. Тиббий кўриклар малакали мутахассислар ва лицензияси мавжуд бўлган тиббиёт бирлашмалари томонидангина ўтказилишига эришиш лозим. Бундан ташқари, вилоятлардаги барча кўп тармоқли тиббиёт бирлашмаларининг моддий-техник базасини кучайтириш, уларда касб касаллиги штатларини жорий этиш зарур. Касб касалликлари келиб чиқиши хавфи юқори бўлган корхоналарда ўтказилаётган даврий тиббий кўриклар ҳар 5 йилда касб касалликлари клиниксининг юқори малакали шифокорларидан тузилган махсус гуруҳлар томонидан ўтказилиши ҳам керак.

Мухтасар айтганда, соҳа ислоҳотларга муҳтож. Гап минглаб ишчи-ходимларнинг саломатлиги, тақдир ва келажаги билан боғлиқ экан, мутасаддиларнинг соҳага эътибори бино ва унинг шароитини яхшилаш билангина чеklangиб қолмайди.

ЗЕБО НАМОЗОВА,
«ISHONCH»



Самарқанд вилояти Во ажаб!



Тартиб ҳаммага тааллуқли эмасми?

Коронавирус ё бизни тартиб-интизомли бўлишга ўргатади ёки унинг олдида қўл кўтарамиз... Танлов ўзимизга – хатти-ҳаракатимизга боғлиқ. Ҳўш, биз қайси йўлни танлаяпмиз?

Самарқанд шаҳридаги «Давлат хизматлари маркази» биноси эшиги ёнида кунда-кунора «урқо-ур»дан ёқа ушлайсиз. Эшикка ўзини урган оломонни ичкаридагилар базўр тўхтаб туришибди.

Во ажаб, тартиб сақлаш тўғрисидаги талаб ва истаklar бир пулга олинмаптир. Боз устига, фуқароларни зарарсизлантиришга мўлжалланган хавфсизлик туннели савлат учун тургандек гўё. Одамлар унинг ичига кириб, офтоб тафтидан сақланаётганини қандай баҳолаш мумкин?

– «Карантин талаблари юмшатилади» дегани хавф бутунлай бартараф этилди, дегани эмас, – дейди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Самарқанд вилояти бўйича меҳнат ҳуқуқи инспектори Улуғбек Ғаниев. – Афсусланирлиси, аксар хизмат кўрсатувчи идоралар мутасаддилари ичкарида тартиб ўрнатишга масъул, ташқарида бўлаётган ҳолатлар уларга тааллуқли эмасдек. Узоққа чўзилган карантин боис, бир қатор муаммолари тўпгани қолган одамлар барчасини унутган кўринади.

Самарқанддаги ҳолатдан эса одам куйинади, холос. Бу «яшил худуд» мақоми учун интилаётган қўнча шаҳар аҳли учун муносиб ишми?!

НУРИЛЛА ШАМСИЕВ,
«ISHONCH»

Ҳар қандай тақлиднинг замирида шахснинг ўзлигини англамаслиги мужжасам.

Шахснинг ўзлигини англамаслиги эса илмсизликдан пайдо бўлади. Давримизнинг ижтимоий-маънавий муаммоларидан бири «оммавий маданият»дир. Ҳўш, ёшларимиз нега «оммавий маданият» таъсирига тушиб қолмоқда? Бунга ким айбдор?

Ёшлар айнан кўз ўнгимизда улғайиб, шу аҳволга тушмаяптими?

Қадимги Ўрхун-Энасой биттикларида «Боланг айтганининг эмас, қилганининг қилади», деган жумла тошга ўйиб ёзилган. Демак, катталарнинг кичик хатолари ҳам ёшларга катта ўрнак бўлади. Тўйларда ўзини билмайдиган даражада ичи олган ва раққос билан жазавали рақсга тушаётган ота қандай қилиб ўғлини одобдан сабоқ беради? Кун бўйи турли олд-қочди сериалларни томоша қилиб, кечгача телефон ва ғийбатдан бўшамайди, кечкурун эса ишдан чарчаб келган эри билан «шанғиллаб, оғзидан боди кириб, шоди чиқарётган» она кизига ҳаёда ўрнак бўла олади деб айта оламизми? Ҳар бир миллатни миллат қиладиган, унинг миллий қиёфасини, миллий бутунлигини таъминлайдиган улўғ қадриятлари бўлади. Шу қадриятларга дарз кетгач, миллатнинг руҳи ичдан емирилади. Миллий руҳни, миллий қадриятларни ёшларнинг онига сингдириш, энг аввало, ота-оналар ва ўқитувчиларнинг фидойилигига боғлиқ.

Эълон

«FARG'ONA MULK SERVIS» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидан ўтказилаётган аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдоларига қуйидагилар қўйилмоқда:

1-ЛОТ. «Асака» банк Фарғона филиали балансидаги «STAR TYRE CUTTER DQG-1200A» русумли 1 (бир) дона тикув дастгоҳи. Бошланғич баҳоси – 25 000 000 (ийгирма беш миллион) сўм.

2-ЛОТ. «Асака» банк Фарғона филиали балансидаги 21 (ийгирма бир) дона «LITA» русумли тикув дастгоҳлари. Бошланғич баҳоси – 60 000 000 (олтиш миillion) сўм.

3-ЛОТ. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-Демократик партиясининг Фарғона вилояти кенгаши аппаратида қарашли «GM UZ NEXIA DONC 1.6» русумли, д/р: 40031QAA бўлган, 2012 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси. Бо-

Боланг айтганининг эмас, қилганининг қилади



мундаги суратларга қараб туриб, юрагимни аччиқ бир ўй тирнаб ўтди. Ўзини минг қўйга солиб суратга тушаётган бу она қизларига «селфи қил-манг» деса, унга нан баркамол фарзанд соғлом оилада тарбияланади. Соғлом муҳитни эса катталар шакллантиради. Жамиятининг ҳар бир онгли фуқароси соғлом муҳит шаклланишига ўз ҳиссасини қўйиши шарт. Ўзимиз, оламага бўлган муносабатимиз, жамиятга кўрсатадиган маънавий-ахлоқий таъсиримиз муҳит ҳисобланади. Маънавий-ахлоқий қарашларимиз, ижтимоий-сиёсий туғулари-миз, руҳий-ботиний эътиқодимиз муҳитнинг асосларидир. Кишилик жамияти оилалардан иборат бўлган. Ўз оиласини ташқи салбий таъсирлардан кучли маънавий-ахлоқий қадриятлар мезони билан ҳимоялаб, соғлом бошқарган ота-она эса ўзига тириклик чоғидаёқ ҳайкал яратган буюк меъмори. Фарзандлар тарбияси йў-

лида бугун ҳар қанча заҳмат чексак, эртага бунинг мева-сини кўрамай. Ҳар қандай суст-кашликка йўл қўйсак, бунинг ҳам жазосини оламиз. «Куш уясида кўрганини қилади» деган нақл бежизга айтилмаган. Токи биз катталар ўз маънавий оламимизда «Оммавий маданият»га қарши кураш имунитетини шакллантирмас эканмиз, ёшларимизни бу хуруждан асраб қолишимиз мушкул. Шу маънода «оммавий маданият»га қарши қарши миллий қадриятларимизга асосланган юксак маънавий билан кураш-саккина, қўзланган манзилга етамиз. Акс ҳолда, бу йўлни охири фожиа билан тугайди.

Мулоҳаза

Урўлбек Чўтбоев

Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан Маманазаров Жаҳонгир Норбутаевич номига берилган №0053 рақамли хизмат гувоҳномаси йўқолини маълум қилинади.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети жамоати ҳамда касаба уюшма кўмитаси университетнинг «Немис тили назарияси ва амалиёти» кафедраси ўқитувчиси Манзура ДАДАХЎЖАЕВанинг вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва ақинларига чўқур таъзия билдиради.

Қашқадарё вилояти касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши жамоаси бирлашманинг ташкилий ишлар бўлими мудир Козим Атабоевга отаси Ориф АТАБОЕВнинг вафоти муносабати билан чўқур таъзия билдиради.

«FARG'ONA MULK SERVIS» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидан ўтказилаётган аукцион савдоларига таклиф этади!

Савдо ёлиби деб топилган шахсга 10 (ўн) иш кунини ичида сотуви билан олди-соти шартномаси тузиши ҳамда мулк сотилиш баҳосининг 100 фоиз миқдоридан тўлаш мажбурияти юклатилади.

Аукционда иштирок этиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини закалат келишув шартномасига асосан «FARG'ONA MULK SERVIS» МЧЖнинг ҳисобрақамига (банк: ХАБ «Трастбанк» Фарғона филиали, х/р: 2260 4000 6003 9634 2001. МФО: 01123. СТИР: 303 054 753) тўлашлари лозим.

Мурожаат учун манзил: Фарғона шаҳри, С.Темур кўчаси, 45-уй, 3-қават, 7-хона. Тел.: +99895-402-54-75

Гувоҳнома № 1894.

БИОЛОГИЯ:

ЭУКАРИОТЛАР - ЎСИМЛИКЛАР ХИЛМА-ХИЛЛИГИМИ?

(учинчи мақола)

«Nature Microbiology» онлайн илмий журналида ёзилишича, ер юзидида замбуруғларнинг 1,5 миллион тури мавжуд. «American Society for Microbiology» — «Америка микробиология жамияти»нинг маълумотига кўра эса ўсимлик ва ҳайвонот дунёси каби эукариотларга мансуб бундай тирик организмларнинг турлари 2,2 миллиондан 3,8 миллион атрофида. Шулардан фақат 120 мингтаси тавсифланган, холос.

Энди ҳозирги вақтда мактаб ўқувчисига ўқитиладиган маълумотни ўқиймиз: «Zamburug'larning 100000 ga yaqin turlari mavjud».

Бу — 9-синфлар учун 2019 йилда «YANGIYUL POLYGRAPH SERVICE» нашриёти чоп этган Биология (цитология ва генетика асослари) дарслигининг 19-саҳифасидаги жумла. Кўриниб турибки, Халқ таълими вазирлиги тавсисида асосида Абдукарим Зикриев, Анвар Тўхтаев, Иброҳим Азимов ва Николай Сонин муаллифлигида чиқарилган дарсликнинг «Zamburug'lar dunyosi» номи 6-параграфидagi маълумот янглиш.

Қолаверса, унда замбуруғларга тартибсиз равишда «achitqi zamburug'», «qo'ziqorin zamburug'», «qalpoqchali zamburug'lar», «parazit zamburug'lar», «zang zamburug'», «vertisill» дея мисоллар келтирилиб, шуларнинг ҳар бирига тавсиф берилган (20-22-бетлар). Яъни систематика (таснифлаш) умуман ривож қилинмай, бундай организмларнинг туркумлари, уруғи, тури, орган аъзоси, ашаш тарзига кўра хусусиятлари аралаштириб юборилган. Чунки, аниқтириш ва занг замбуруғларини, вертикалиларни олайлик. Улар, аслида, қўлбал туркум, гуруҳ ва уруғлар сирасидан бўлиб, аниқ бир организмнинг номи эмас. Биобарани, «achitqi zamburug'», «zang zamburug'», «vertisill» деб билрликда эмас, «achitqi zamburug'lar», «zang zamburug'lar», «vertisillar» дея қўплик шаклида ёзиш мақсадга мувофиқ эди.

Яна бир гап, 22-бетда «Vertisill» деб ёзилган. Ҳўки вертикалилар ва оқ палак бир нарсадек. Бу — қўплат ҳато. Аслида, оқ палак — яъни шу вертикалилар уруғига мансуб Verticillium dahliae замбуруғи ўсимликларда кўзгайдиган вилт касаллигининг

халқона номи. Параграфдаги яна бир тартибсизлик ушбу мавзуга микориза ва лишейниклар ҳақидаги маълумотларнинг қўшиб юборилганидир. Микориза юксак ўсимликларнинг, лишейниклар эса цианобактерияларнинг замбуруғлар билан симбиотик бирикмаси бўлиб, назаримизда, уларга 16 параграфда симбиоз муносабатлар ҳақида ёзилган «Simbiroz dirotetazi» мавзусида (49-бет) тўхталиб ўтилганда, ўринли бўларди.

Замбуруғлар микология илмида ўрганилишини, аммо бу фан ҳақида дарсликда лом-мим дейилганини ҳам эслатган ҳолда, диққатингизни бошқа бир чалкашликка қаратмоқчимиз. Гап шундаки, юқоригида тилга олганимиз цианобактерия ва о'симликлар дунyосининг энг қадимги вақиллиги» дея таърифлашганлар (15-16-бетлар). Ҳолбуки, бу организмлар «сув ўти» дейилишига қарамай, асло ўсимлик эмас, балки бактерияларнинг ийрик бир туркуמידир!

Кизиғи, улар «Прокариот ва эукариот ҳужайралар» номи 15-параграфда (47-бетда) прокарриотлар қаторида тилга олинган. Бу, албатта, тўғри. Муаллифлар шу ўринда 15-16-бетлардаги хатони билвосита инкор этиб, уни тузатгандек. Яъни аввалгида кўк-яшил сув ўтилари (цианобактериялар) ўсимлик экани ўқитилиб, кейинроқ улар ўсимликларни қамраб олмайдиган прокарриотлар қаторига киритилган.

Аммо бир жойда янглиш маълумот келиб, бошқа жойда тузатилган бўлса, ўқувчи бўлиб, иккиланиб қолади. Боз устига, бундай чалкашлик тўғриси олий ўқув юртиларига кириш тест имтиҳонларида дидактияли саволлар абитуринтнинг қийнаши, адаштириши ҳеч гап эмас. Шу

боис энг тўғри йўл — дарсликда хатоларнинг умуман бўлмаслиги.

Кези келганда, прокарриотларга таллоқли яна бир нотўғри маълумотни кўрсатиб ўтасан: «Hujayra amitoz yo'l bilan bo'linadi» (13-бет). Аммо прокарриот ҳужайра бундай йўл билан эмас, тенг иккига (бинар) бўлиниш орқали кўпаяди. Аммитоз эса, одатда, ҳужайрадаги мейёр митотик даврийлик издан чиқиши сабаб юз бериб, ҳужайра ядросининг бўлиниш урчуги ҳосил қилмай, хромосома-ларни тенг бўлмай, иккига ажралишидир. Ундан фарқи уларок, бинар бўлинишда ДНК репликацияси, синтетик қузатилади.

Қайта ишланиб, тўлдирилиб, нақ бешинчи марта нашр этилган бу дарсликнинг қайта ишланиб, тўлдирилган — очиги, билмадик. Ҳар ҳолда, III бобда «Bugungi kunda hujayra nazariyasining asosiy qoidalari quyidagilardan iborat» дея негадир бугунги кундаги ҳужайра назарияси қоидаларини ўрнига мана бу эскирган қоидалар саналган:

«1. Barcha tirik organizmlar, ya'ni mikroorganizmlar, o'simlik va hayvonlar tanasi hujayralardan tashkil topgan.

2. Yangi hujayralar faqat avval mavjud bo'lgan hujayralarning bo'linishi tufayli vujudga keladi.

3. Organizmlarning hujayralardan tashkil topishi ularning kelib chiqishi bir xil ekanligidan darak beradi.

4. Hujayra tirik organizmlarning tuzilish va funksional birligi hisoblanadi.

5. Har bir hujayra mustaqil ravishda hayot kechirish xususiyatiga ega» (30-бет).

Аслида, замонавий ҳужайра назарияси қоидалари бешта эмас, балки еттига бўлиб, улар куйидагилар:

1. Барча маълум тирик мавжудотлар бир ёки кўпгина ҳужайрадан иборат.

2. Барча тирик ҳужайралар узидан аввал мавжуд бўлган ҳужайралардан бўлиниш орқали юзага келади.


3. Ҳужайра барча тирик организмлар тўзилиши ва вазифаларининг асосий бирлигидир.

4. Организм фаолияти мустакил ҳужайраларнинг ялли фаоллигига боғлиқ.

5. Энергия оқими (метаболизм ва биокими) ҳужайралар ичида содир бўлади.

6. Ҳужайралар таркибиди айнан хромосомада учрайдиган ДНК ҳамда

Дарсликлардаги хатолар



ҳужайра ядроси ва цитоплазмада учрайдиган РНК мавжуд.

7. Барча ҳужайралар ўхшаш турлар организмларининг кимевий таркибиди асосан бир хил бўлади.


Устига-устак, дарсликда ДНК ва РНК нималиги, уларга хос хусусиятлар етарлиқда очиб берилмаган. Хусусан, РНКнинг тўзилиши сурат кўринишида тасвирланмай, қуруқ ва зерикарли, шунчаки баён этилган (74-75-бетлар). Ўз навбатида, айни шу икки макромолекула тегишли куйидаги гапга тўхталсан: «Mitochondriyalar yarim avtonom organoид bo'lib ularning membranalarida bo'shliq'ida DNK, RNK va ribosomalarda bo'ladi» (41-бет).

И-е, тушунмадик, ДНК, РНК ҳамда рибосомалар митохондриянинг мембраналаро бўлишида эмас, ички мембранаи ичида бўлади-ку!

Энди 17-бетдаги мана бу жумлага диққат қаратсан: «5. Eukariotlar — o'simliklarning xilmaxilligi». Турган гапки, биологиядан бехабар киши уни ўқиб, «эукарриот дегани — ўсимликлар хилма-хиллиги экан-да» деган хулоса чиқаради. Аммо дарслик муаллифларидан «Жумла шу маънодами?» деб сўрасангиз, ўзлари қатъиян рад этишлари аниқ. Чунки замонавий систематикага кўра, эукарриотлар — замбуруғлар, ўсимликлар ва ҳайвонот оламларидан ташқари протисталар ҳамда хромисталарни ҳам қамраб олувчи домен (салтанат) ҳам маълум. Мавзунини қозғашда бу қадар эътиборсизлик, тафсилотлардаги тизимсизлик, тиниш белгиларини ноўрин қўлшаш маънонинг ана шундай бузилишига олиб келган. Бундай қусурларни яна санаш мумкин.

Бугун 9-синф боласига органик олам, генетика, цитология ҳақидаги мурракб билимларни ўргатаётган дарслик айрим маълумотлар, жумлалар ҳуда-беҳуда такрор келгани ҳам кишини уйлантирмай қўймайди: «Eukariotlarga sodda hayvonlar, zamburug'lar, o'simlik va hayvonlar kiradi» (34-бет), «eukariotlar guruhiga esa zamburug'lar, o'simlik va hayvonlar kiradi» (47-бет), «eukariotlar zamburug'lar, o'simliklar, hayvon hujayralarining tuzilishida...» (48-бет)...

Хулоса ўзингиздан!



Рустам ИБРОХИМОВ, «ISHONCH»

Азалий удумлар

Самарқанд тарафларда «иргакўрди» деган ибора бор. Ирга дейилганда, уй, ҳовли ва умуман, турмушининг рўзғорга дахлдор ноки жиҳатлари тушунилади. Бу ибора, асосан оилавий муносабатларда, кўпинча, аёллар ва қизлар, она билан қиз, қайнона-келин ўртасидаги ўзаро мулоқотларда ишлатилади. Айниқса, янги оила шаклланишида иргакўрди биринчи ўринга чиқади. Ҳатто бу совчилик хизматининг энг муҳим, ва айтиш мумкинки, асосий таъмоилини ҳам белгилайди.

Иргакўрди

Совчиликнинг муҳим юмушларидан бири иргакўрди ҳисобланади. Бунда қувв томондан қайнони хотинлар келинининг уйига боришида. Атайлаб текширмаса-да, «айёр» қайнонилар кўз қири билан иргаларни назоратдан ўтказиши. Айримлари сув ичиш баҳонасида ошхонага, қўл ювиш учун ваннага назар солса, бошқа бирлари турли сабаблар билан молхона, тандирхона, ҳатто хожатхонагача бориб кўради. Баъзилари ўтирган жойида қиланин бир четини кўтариб қарайди. Мақсад — оиланинг рўзғор тутумини билиш.

Халқимиз азалдан озодаликни, саранжом-саришталикни, орасталликни яхши кўради. Саришталли уй — фаршталли уй. Табиийки, саришталликнинг бошида ҳамма аёллар туришган. Аёл эса бўлажак оила бекасининг онаси, тарбиячиси, мураббийи. Кўш уясида кўрганни қилади. Одам боласи саранжом-саришталлик ҳам, палаз яшашга ҳам ўрганади. Олдин кўз, кейин феъл шунга мослашади.

Айрим аёллар сирти ялтироқликка жуда ўч бўлишида. Уйига меҳмон келса ҳам, у ёқ-бу ёқни номига супуриб-артиб, дастурхона зўр беради. Қайнонилар эса анюй эмас. Улар овқат келиши билан дастурхонига қарайди — доғи йўқми, кирмасми, қоса-қошиғини кўради — ювганда ёғи қолмагани, уйнинг бурчакларини қузатади — болаларнинг кийим-кечкалари, ўйинчоқлари пала-партиш тикиб ташламаганини, шифтни мактаб, шифтлардан тартанак уяси ахтарайди. Ошхонада қозонни, молхонада сигирини, ҳовлидаги қучугини мактай-мақтай, оила тутумининг манфий ва мусбат томонларини мийсизда ёзиб бораверади. Ҳатто бешик ва тувакнинг қай ҳолатда турганини ҳам эътибордан четда қолмайди.

Зиёфат туғаб, тугунчақлар тугилиб, хайр-хўшлашганда ҳам қиз томон қайнониларнинг қароридан бехабар бўлади. Қайнонилар қувв бўлишининг уйига келган, ҳамма нарса ойдинлашади. «Иргаси тоза экан, тутуми зўр» дея суйинганлар ҳам, «палакат рўзғор экан», деб ранжиганлар ҳам бўлади.

Иргакўрдининг аҳамияти шундаки, бу тадбир оила қурилишида асосий босқичлардан бири ҳисобланади. Бу бўлажак келинининг оилани қай даражада тутиш салоҳиятига эга эканлигига аниқлик киритади. Онасини кўриб, қизини ол, деб бежизга айтилмаган, ахир.

Борди-ю, келин овқат қилишни билмаса — ўрганади, кир ювишни, ситир соғишни, хамир қилиб, нон ёпишни ҳам бора-бора билиб олиши мумкин. Аммо қиз бола саришталликни болалиқдан ўрганмаса, ёмон! Эр шўрлик минг топиб келгани билан уй саришта бўлмаса, унда барака бўлмайди! Иргага эътиборсиз аёлнинг ҳовлиси, уйи исқирт, рўзғори бебурд бўлади. Бу аёл тарбиялаган фарзанд ҳам шу ҳолатни такрорлайди.

Бу дунё — қадим дунё! Унда ҳамма нарса синонадан ўтган. Сараги сарақка, пучмаги пушакка ажралган. Жумладан, иргакўрди сингари азалий урф-одат-у, таомилларимиз ҳам!

Алишер АЙМАТЛИ

Саломатлик бекати

Advertisement for health services including contact information, address, and services offered.

Advertisement for MUASSIS (O'zbekiston kasaba uyushmalarini federatsiyasi) with logo and contact details.

Advertisement for 'Ishonch' and 'Doverie' newspapers with subscription information.

Advertisement for 'Ishonch' newspaper staff including names and roles like Editor, Correspondent, etc.

Advertisement for 'Ishonch' website and social media links.

Advertisement for 'Ishonch' newspaper circulation and distribution details.

Advertisement for 'Ishonch' newspaper circulation and distribution details.

Advertisement for 'Mitti xiqoqlar' (Wild mushrooms) featuring 'Uka' brand products and contact information.

Advertisement for 'Uz yuorigi bor' (You have your own) featuring 'Uka' brand products and contact information.

Advertisement for 'Xavfsiz xavzalarda chumiling!' (Safe in the bathhouse!) featuring 'Uka' brand products and contact information.